

“ТАСДИКЛАЙМАН”

НамДУ академик лицейи

Директор  Д.Хакимов

« 22 »  2022 йил



БУЮРТМАЧИ:

НамДУ академик лицейи

Наманган давлат университети академик лицейи ётоқхонасида
яшаётган ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш
хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

НамДУ академик лицей -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агенглигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1 ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Наманган давлат университети академик лицейи ётоқхонасида яшаётган ўқувчиларнинг уч маҳал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ётоқхонада яшаётган ўртача 592 нафар (Сентябр, Октябрь, Ноябрь ва Декабрь ойлари учун кўшимча 148 нафардан) ўқувчиларни имтиёзли уч маҳал овқатлантириш Нонушта тушлик ва кечки таомлар Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш уларнинг ошхона ва буфетларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шароитлар яратилган ҳолда амалга оширилади. Академик лицейларда имтиёзли овқатланиши учун 2022 йил сентябр ойдан бошлаб декабр ойигача 350 нафар ўқувчилар учун шартнома имзоланган. Ҳақиқатда 2022 йил сентябр ойдан бошлаб имтиёзли овқатланаётган ўқувчилар сони 500 нафардан ошганлигини инобатга олиб қайта танловга жойлаштирилмоқда.

Академик лицейларда имтиёзли овқатланиш юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари, яқка тарғибдаги тадбиркорлар (бундан буён маънада таъминотчи деб аталади) ҳамда таълим муассасаси томонидан ташкил этилади.

Таъминотчи (академик лицейнинг масъул ошпази) имтиёзли овқатланиш карточкасини кўрсатган ўқувчиларга журналга тегишли белги қўйган ҳолда уларнинг имтиёзли овқатланишини таъминлаши лозим.

Қуйидагилар таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни ўқувчиларнинг соғлом ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарур моддалар билан таъминлаш;

ўқувчиларда тана вазнининг меъърдан ортишининг, организмда йод моддасининг танқислиги ва моддалар алмашинуви жараёни бузилишининг олдини олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш; ўқувчиларда овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик;

ўқувчилар ўртасида соғлом овқатланиш қўникмаларини шакллантириш; таълим муассасалари ошхоналарида сотилиши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар билан савдо қилишнинг олдини олиш;

ўқувчилар учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш

Таълим муассасалари ошхоналарида ҳафталик гаомномалар Ўзбекистон Республикаси давлат

санитария врачлари томонидан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби (рецептураси)ни белгилувчи намунавий рўйхатга асосан тузилади.

Таълим муассасалари ошхоналари ходимлари ошпазлик бўйича тегишли билимга эга бўлиши ва ўз малакасини доимий равишда ошириб бориши зарур.

Бир ўқувчи учун кунлик уч маҳал овқатлантириш харажати белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг **10 фоизига** миқдорда белгиланади.

Бунда:

эрталабки ношушта учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг **24 фоизидан**;

тушлик учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг **42 фоизидан**;

кечки овқат учун харажатлар кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг

34 фоизидан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.2. Танлов охириги қиймати - жами кўрсатилган хизмат учун ўртача ой кунлирини 3/2 қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан 301 920 000 (уч юз бир миллион тўққиз юз йигирма минг) сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қўшимча қиймат солиғи билан 301 920 000 (уч юз бир миллион тўққиз юз йигирма минг) сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича қолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр гача.

2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **НамДУ академик лицей** (бундан кейин-“Буюртмачи” дсб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси 162 а-уй.

Эл.адрес: namquakl@gmail.com

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов НамДУ академик лицейи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизмаглар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорлари а қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмета бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёниларида иштирок этишга рухсат берилмайди қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), гуағиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1- Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (tender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

- a. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.
 - b. танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:
 - Техник қисми “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
 - c. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:
 - Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номсрланган ва мухрланган ҳолда;
 - d. Танлов иштирокчиси:
 - фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- a. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.лар
- b. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- c. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини, танлов ўтказиш учун

эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунигиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот поргалида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида

№ 1 илова

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

1. Ушбу танлов ҳужжатлари ва қафолат хати.(ф-2)
2. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (ф-3).
3. Давлат рўйхатидан ўтгашлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича руҳсат берувчи ҳужжатлар нусхалари.
4. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот.
5. Молиявий кўрсаткичлари.
6. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 1 йиллик иш тажрибаси тўғрисида
7. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот (5-10 йиллик стажларга ижобий қаралади)
8. Тижорий таклифларни баҳолаш (хизматлар балл система томонидан)

ИШТИРОКЧИ МАХСУС БЛАНКАСИДА

№ : _____

Сана : _____

Харид комиссияси раисига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу орқали шуни маълум қиламизки, _____ (корона номи)

Тугатиш, қайта таъкил этиш ёки банкротлик ёқасида эмаслиги:

Суд ёки арбитраж муҳокамалари ҳолатида эмаслиги;

Муқаддам гузилган шартномалар доирасида мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги:

«Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида эмаслиги:

Иш хақи, солиқ ва бошқа давлат мажбурий тўловларидан муддаги ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбар: _____ (ф.и.о) _____

Бош ҳисобчи _____ (ф.и.о) _____

Ҳуқуқшунос _____ (ф.и.о) _____

Ишгирокчи тўғрисида тўлиқ умумий маълумотлар

1	Юридик ташкилотнинг тўлиқ номи, ташкилий ҳуқуқий формаси кўрсатилган ҳолда	
2	Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома (санаси, рўйхатдан ўтганлик рақами, рўйхатдан ўтказилган орган номи)	
3	Юридик манзили	
4	Контакт телефон, факс, e-mail	
5	Банк реквизитлари	
6	Асосий фаолият тури	

Талаб қилинаётган ёки ўхшаш турдаги хизматларни бажариш тажрибаси тўғрисида
Маълумот

№	Хизматлар номи	Буюртмачи номи ва манзили, телефон рақами	Бажарилган санаси, суммаси	Изоҳ

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахс ф. и. о, лавозими)_

Сана: « ____ » _____ 2022 й.

Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жihatдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг куйидаги критерийларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

Танлов таклифларини ҳамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш
КРИТЕРИЙЛАРИ

№	Критерийлар номи, мазмуни	Форма	% ҳисобида	
			баллар	
1.	Мавжуд техникаси (балансида мавжудлиги бўйича маълумот ва фото лавҳалар), молиявий ҳисоботлари (3 йиллик форма-1 ва форма-2 ҳисоботлар)	Форма №2	20	90%
2.	Солиқлар (солиқ маълумоти) ва йигимларни гўлаш бўйича муддатли ўтган қарздорликнинг (банк маълумоти) мавжуд эмаслиги;		5	
3.	Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; (давлат акциялар бошқармаси маълумоти), Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. (биржа маълумоти)		10	
4.	Умумий овқатланиш хизматида камида икки йиллик тажрибага эга бўлиши;		10	
5.	Аутсорсинг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги; (банк маълумотномаси)		15	
6.	Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (муҳандис-технолог, диетолог, ошпазлар) малака разрядлари кўрсатиши; (диплом, сертификатларива тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғриси маълумотлар)		10	
7.	2022-2023 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озиқ овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500кг, қарам 2000 кг ва бошқа маҳсулотлари).		10	
8.	Хизмат кўрсатувчи томонидан муассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин бўлган инвестиция маблағлари бўйича маълумот.		10	
9.	Академик лицей томонидан белгиланган соғлом овқатлантиришни ташкил этиш лойиҳасини (таомнома менюси ККАЛ) тақдим этилиши		10	
10.	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)			

Наманган Давлат Университети академик лицейи ётоқхонасида яшайтган талабаларнинг 2022 йил Декабрь ойларида ўртача ой кунлирини
3/2 қисми Бюджет маблаглари ҳисобидан **ШХВ 100010860144017092500079001**

овкаглантиришни ташкил этиш харажатлари тўғрисида

АУТСОРСИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИ

№	Амалга оширилган қўзда тутилган хизматлар номи	ўл. бир.	Аутсорсинг хизмат нархи	Ўқувчилар ўртача сони	Жами сумма	ўртача кунлар сони	Жами	Изоҳ
1	Йонутта	порси	7 200	592	4 262 400	17	72 460 800	Ўз.Рес.Президентининг 2017 й. 26 сентябрдаги 3290-сон қарор
2	Тушлик	порси	12 600	592	7 459 200	17	126 806 400	Ўз.Рес.Президентининг 2017 й. 26 сентябрдаги 3290-сон қарор ҳамда Ўз.Рес.Ваз.Мах. 2016 й. 2-майдаги 132 сонли қарорига мувофиқ
3	Қсчқи овқат	порси	10 200	592	6 038 400	17	102 652 800	Ўз.Рес.Президентининг 2017 й. 26 сентябрдаги 3290-сон қарор ҳамда Ўз.Рес.Ваз.Мах. 2016 й. 2-майдаги 132 сонли қарорига мувофиқ
	ЖАМИ:						301 920 000	

ЕБИБАДУ
МИИБАДУ
Бош бухгалтер



Н.Исординов
Д.Муминов
В.Мирхужаев

Наманган Давлат Университети академик лицейи талабаларини уч махал исси овқат билан таъминлаш тўғрисида 2017 йил 26-сентябрдаги ПК 3290 қарорига асосан аутсорсинг хизматини бажариш учун ўртача ой кунлирини 3/2 қисми Бюджет маблағлари ҳисобидан **ШХВ**

100010860144017092500079001

МАЪЛУМОТНОМА

Ойлар номи	Ўқувчилар ўртача сопи	Ўртача кунлар	Бир ўқувчига, уч махал иссиқ овқат нархи	Жами сумма
Январ				
Феврал				
Март				
1-чорак жами				
Апрел				
Май				
Июн				
2-чорак жами				
Июл				
Август				
Сентябр				
3-чорак жами				
Октябр				
Ноябр				
Декабр	592	17	30 000	301 920 000
4-чорак жами				301 920 000
Йиллик				301 920 000

Академик лицей директори:

Д.Ҳақимов

МШИБДУ:

Д.Муминов

ММИБДУ:

Н.Исординов

